



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Қардош Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар бизни жиддий ташвишга солмоқда. Кўп асрлик дўстлик ришталари, яхши қўшничилик, умумий маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган яқин қўшнилар сифатида биз ушбу қийин кунларда Қирғизистон халқини мамлакатда тинчликни сақлаш ва барқарорлиқни тиклаш учун ўзига хос бўлган доноликни намоён этишга чақирамиз.

Қирғизистоннинг барча сиёсий партиялари ва жамоатчилик доиралари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, Конституция ва миллий қонунчиликка сўзсиз риоя этиш билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширишга умид билдираамиз.

Қирғизистоннинг равнақи минтақавий хавфсизлик ва бутун Марказий Осиё барқарор ривожланишининг муҳим омилidir.

Мамлакатларимизнинг ўтмиши бир, улар умумий келажакни барпо этмоқда. Марказий Осиё халқларини тарихий жиҳатдан келажак авлодлар фаровонлиги учун барқарор тинчлик, тотувлик ва бунёдкорлик истаги бирлаштиради.

Муштарак мақсадларга интилган ҳолда, давлатларимиз савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни, чегараолди ва ҳудудлараро шериклиқни кенгайтириш учун минтақавий ҳамкорликни фаол равишда мустаҳкамламоқда.

Марказий Осиё бирдамлигини янада мустаҳкамлаш йўлидан борар эканмиз, биз Қирғизистон халқини унинг ҳамжиҳатлик, тинч, мустақил тараққиёт ва фаровонлик борасидаги интилишида доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ЖАҲОН МИНБАРИДА ЖАРАНГЛАГАН ОНА ТИЛИМ

Шукроналар бўлсинки, мамлакатимизда кейинги йилларда тилимизни асраш, уни ривожлантириш, қадрини оширишга қаратилган кўп ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўналишдаги ислохотларни янги bosқичга олиб чиқди. Ҳар йили 21 октябрь — Ўзбек тили байрами сифатида нишонланиши белгиланди. Буларнинг бари тилимизга бўлган чинакам эътиборнинг кучайишидир.



Она тилимиз шундоқ жаҳон минбарига чиқиб бормоқда. Яқинда чексиз гурунладиган ҳодиса юз берди! Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида қатнашиб, ўзбек тилида ёрқин нурга ирод этди! Шунини айтиш лозимки, ҳали тарихда бунақаси бўлмаган эди! Бу Ўзбекистоннинг

ижтимоий-маданий ҳаётида оламшумул аҳамиятга эга ҳодисадир! Бу воқеа янги Ўзбекистоннинг, халқимизнинг обрўсини кўтариб юборди. Тўрт девор ичига қамалиб қолган ўзбек тили жаҳон минбаридан жаранглади! Бу мустақиллигимиз саодати, шарофатидир! Давлатимиз нуфузи, Президентимиз шижоати тўғрисида она тилимиз юксак мавқега эришмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи замирида бутун жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш ғояси ярқ этиб турибди. Бу ташаббуслар, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятига ҳам манфаатлидир.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон ва жаҳон

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ЯНГИЧА НАЗАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Айни кунларда ушбу маърузада илгари сурилган ташаббуслар кўлаб таниқли жамоат арбоблари, экспертлар томонидан қизғин муҳокама этилмоқда ва илиқ фикрлар билдириляпти.



Бахтиёр ЯКУБОВ,
ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши
ижроия қўмитаси
раисининг ўринбосари

Бу, аввало, илгари сурилган ташаббусларнинг ҳар бири ниҳоятда чуқур таҳлилларга асослангани ва дунё жамоатчилигини ўйлантирган муаммолар хусусида аниқ ечимларни қамраб олганидан далolatдир.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг иқтисодий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш борасидаги ташаббуси кўпчилик сиёсатшунос ва иқтисодчиларнинг алоҳида

эътиборини тортди. Хусусан, ҳиндистонлик олима Р.Копакарқар ушбу ташаббуснинг кенг қамровлигига тўхталиб, жаҳон ҳамжамияти бундай ташаббусни кўпдан бери кутаётган эди, деган фикрни билдирди.

Россия Олий иқтисодиёт мактаби профессори А.Казанцев айнан Ўзбекистон лидери давлатларнинг иқтисодий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш масаласини илгари суриш борасида тўла маънавий ҳуқуққа эга раҳбар эканига ургу берди. Бу фикрини мамлакат ҳатто пандемия шароитида ҳам кенг халқ оммаси манфаатларидан келиб чиқиб, муваффақиятли иқтисодий-иқтисодий ўзгаришлар ва иқтисодий ўсиш стратегиясини амалга ошира олган кам сонли давлатлар қаторига кириши билан асослайди. Қолаверса, ўнлаб таҳлилий медиа ресурслар айнан ушбу ташаббус борасида тўхталиб, унинг фавқуллодда вазиятларда, бир томондан, давлатларнинг ўз халқлари олдида, қолаверса, халқаро ҳамкорлари олдида масъулиятини оширишга қаратилган моҳиятга эгаллигига ургу берилди.

▶ Давоми 2-бетда

Муносабат

УЛУҒЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Умрим давомида кўп воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлдим, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тоғдим. Иқдор бўлдимки, инсон учун дунёда озодлик ва эркинликдан-да, улуг нўмат йўқ. Ўз юртингда ўзинг истагандай яшай олмаслик, ўзинг хоҳлаган ишни қила олмаслик — энг аянчли ҳолат. Биз бир вақтлар шундай кунларни ҳам бошдан ўтказдик.

Шукрки, ўша даврлар ҳам аллақачон ўтмишга айланди. Энди бир ишга қўл уришдан олдин кимнингдир қош-қовоғига қараб ўтирмаймиз. Аксинча, бирор масалани ҳал этишда халқаро ҳамжамият сўзимизга қўлоқ соялти, биз билан ҳисоблашяпти. Юртимизни дунё тан олиб, эътироф этмоқда.

Бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бугунги файзли кунларга етгунча халқимиз кўлаб қатағонларни бошдан кечирди, минг-минглаб улуг

боболаримиздан бевақт жудо бўлди. Ўтмишда юз берган мардикорликка олиш, қўлоқ қилиш ва сургунлар оқибатида қанчадан-қанча юртдошларимизнинг хоки ўзга ерларда қолиб кетди.

Халқимизга маърифат ва эзгулик улашишни ўзининг ҳаётли маслаги деб билган жадид боболаримизнинг аянчли тақдирлари ҳақида ўйлаганда, ҳали-ҳали одамнинг қалбига оғриқ киради. Мана, мисол учун, буюк маърифатпарвар аллома Мунавварқори ўз даврида Тошкент шаҳрида



Халқимизнинг аянчли тақдирлари ҳақида ўйлаганда, ҳали-ҳали одамнинг қалбига оғриқ киради.

янги усул мактаблар очиб, оддий инсонларнинг фарзандларига замонавий фанларни ўқитган. Ўзи дарсликлар ёзиб, шахсий маблағи ҳисобидан чоп

этирган. Минг афсуски, ана шундай улуг инсон ҳам охирида қатағон қурбони бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРИХГА ЭҲТИРОМ — БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Тарихнинг ҳар қандай талотўплари қарамай, халқимиз миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги кунларга ёруғ юз билан етиб келишида унинг қон-қонига сингиб кетган маънавий жасорат туйғуси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисидир. Шу маънода ўтган аср бошларида, тарихимизнинг оғир ва мураккаб даврида майдонга чиққан жадид боболаримизнинг фидойилиги замирида ҳам ана шундай жасорат намунаси мужассам.

Кейинги йилларда эл-юртимиз озодлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси, миллий қадриятларимизни ҳимоя қилишда, мустамлакачиликка қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб

этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг жорий йил 8 октябрда қабул қилинган “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши бу ишларнинг узвий давоми, десак хато қилмаган бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасига ташрифи чоғида: “Ўзбек миллати озодликка шунчаки, тасодифан, тақдир уйини сабаб эришгани йўқ, ушбу улуг кунга

▶ Давоми 2-бетда

Муносабат

ТАРИХГА ЭҲТИРОМ — БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Бошланиши 1-бетда

Баҳром ИРЗАЕВ, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими

Юртимизга бостириб кирган, халқимизга ўз ҳукмини ўтказишдек ғараз ниятли душманлардан халос бўлиш, озодлик учун кураш осон кечмаган. Улар миллатни пароканда қилиш учун, биринчи галда, унинг етакчиларини, илғор зиёлиларини йўқ қилиш йўлидан борган. Шонли тарихимизнинг муайян бир даврларида юз берган бундай босқинларга қарши курашлар-

да миллатимизнинг юзлаб, минглаб энг фидойи фарзандлари қатагон қилинди. Уларнинг ҳар бири халқимизнинг хотирасидан чуқур жой олиши, улуғланиши лозим. Бунинг учун биз, тарихчилар Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг номларини тиклаш, уларнинг фаолиятига доир маълумотларни, айниқса, архив ҳужжатларини мамлакатимиз, қолаверса, бошқа юртлар бўйлаб излаб топиш ва чуқур ўрганиш борасида самарали меҳнат қилишимиз лозим.

Мазкур йўналишдаги ишларга бевосита ёшларни жалб этиш, мустақиллик учун курашган миллат қаҳрамонлари тўғрисидаги маълумотларни

тўплашда волонтерлик ҳаракатини йўлга қўйиш яхши самара беради. Бу жараёнда ёшларнинг муайян бир қисми ўша даврлар ҳақида чуқурроқ билим ва тасаввурга эга бўлади ҳамда ўз тенгдошлари ўртасида фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши мумкин.

Фармойишда қайд этилганидек, тарихимизни ўрганишда кино санъатининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз лозим. Албатта, тарихий шахслар ҳақида ҳужжатли ва бадий фильмлар яратилган. Бироқ уларнинг асосий қисмини эски, муайян бир давр мафкураси таъсирида яратилган асарлар ташкил этади. Халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг бугунги талабига жавоб берадиган, кино санъатининг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда суратга олинган фильмларни кўпайтириш керак. Бунда, албатта, тарихчи, ёзувчи ва кинематография соҳаси ҳодимларининг яқиндан ҳамкорлиги зарур бўлади. Юртимиз тарихининг ҳар бир даврида яшаб, унинг ҳимояси, тараққиёти йўлида жонини фидо қилган, шаҳид бўлган аждодларимизнинг номини тиклаш, ҳадидлар, миллий озодлик ҳаракати намояндалари ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш ҳамда шу асосда фильмлар яратиш самараси ўлароқ, тарихимизнинг ўзига хос киносолномаси вужудга келади.

Бизнинг бу сазй-ҳаракатларимиз тарихимизни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган манбаларнинг яратилишига, қолаверса, мажмуадаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейини ноёб экспонатлар билан янада бойитишга, унинг маънавий тарбия маскани сифатидаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

УЛУҒЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Бошланиши 1-бетда

Равшан ЮНУСОВ, Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Маҳмудхўжа Бехбудий, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон... Санайверсак, уларнинг рўйхати жуда узун. Бундай фидойи боболаримизнинг азиз хотирасини ҳар қанча эъзозласак, арзийди. Хусусан, Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами арафасида Президентимиз фармонига биноан, маърифатпарвар ҳадидчилик ҳаракатининг таникли намояндалари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидовнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани халқимизнинг айни дилидаги гап бўлди.

Ҳозирги Шаҳидлар хотираси хиёбонига яқин маҳаллада тўғилиб ўсганм. Болалигимда Бўзусан бўйидаги бу овлоқ жойларда юз берган кўринки воқеалар ҳақида катталардан кўп эшитганман. Айтишларича, ярим тунда бу ерга маҳкумлар келтирилиб, отиб ташланган. Эрталабгача милтиқ овози ва одамларнинг оҳ-воҳи

эшитилиб турган. Кўпчилик ўша кунларни ҳалигача дилда оғриқ билан эслайди.

Шу боис, ўша ерда барпо этилган мажмуа халқимизнинг бошига тушган оғир мусибатларнинг тимсоли бўлган табарруқ қадамжо ҳисобланади. Бу ерда ҳаётдан эрта кўз юмган не-не улўғ инсонларнинг пок рўҳлари кезиб юрибди. Шунинг учун мажмуани кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, унинг ўтмиши билан бугунги ёшларни кенгроқ таништиришимиз керак. Токи улар миллатимиз фидойиларининг ўрнатма муносиб ҳаёти ва фаолияти, аянчли қисматини ўрганиб, ўзлари учун зарур хулосалар чиқарсин.

Президентимиз шу йилнинг 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрганида қатагон қурбонларининг хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Ана шу эзгу ташаббусларнинг амалий ифодаси сифатида куни кеча давлатимиз раҳбарининг “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда қатагон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини, қолдирган меросини ўрганиш

ҳамда уларнинг ҳурматини жойига қўйиш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабага қўшган ҳиссасидан гувоҳлик берувчи кўплаб муҳим тарихий маълумотлар аниқланди. Халқимизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган қаҳрамонлигини яна бир қарра исботловчи бундай далил ва рақамлар барчамизга катта фахр-ифтихор бағишлади.

Қатагон қурбонларининг меросини ўрганиш масаласида ҳам ана шундай йўл тутсак, албатта, кўзланган натижаларга эришамиз. Бунинг учун халқимиз орасида қатагон қурбонлари ҳақида тилдан-тилга кўчиб келаётган хотираларни кенгроқ ўрганиш, уларнинг авлодлари томонидан асраб-авайлаб сақланаётган қимматли тарихий ашёларни қидириб топишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борада биз, маҳалла фаоллари ҳам алоҳида намуна кўрсатиб, шахримиздаги маҳаллаларда яшаб, шаҳид бўлган ота-боболаримиз тўғрисидаги маълумотларни тўплашда тарихчи олимлар ва мутахассисларга яқиндан кўмак беришимиз зарур. Ана шунда кўзланган натижаларга тезроқ эришамиз.

Ўзбекистон ва жаҳон

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ЯНГИЧА НАЗАР

Бошланиши 1-бетда

Кейинги ўттиз-қирқ йилда илгари сурилган ва айримлари турли мамлакатларда тажрибадан ўтган “Давлатнинг минимал иштироки”, “Корпоративистик бошқарув”, “Янги давлат менежменти”, “Мақбул бошқарув”, “Виртуал бошқарув”, “Тармоқли бошқарув”, “Очиқ давлат бошқаруви” каби концепциялар айнан шундан далолат беради.

Ёндашувларнинг номига бирламчи назар ташлашдаёқ давлат бошқарувиغا ҳозирги замон технологик ютуқларини кенг жорий этишга интилишни сезиш қийин эмас. Уларнинг айримлари тўхталиб ўтсак. “Давлатнинг минимал иштироки” ёки “Тармоқли бошқарув” ёндашувлари давлатнинг жамиятни бошқаришдаги иштирокини камайтириш йўлидан боришни маъқул кўради. Масалан, “Тармоқли бошқарув” тарафдорлари фикрича, давлат мавжуд бошқарув тизимидаги акторлардан бири бўлиши керак, холос. Бошқача айтганда, давлат бошқарувининг алоҳида, мустақил рол инкор этилади. Натижада давлатнинг халқ олдидаги жавобгарлиги сусайибгина қолмай, айни пайтда мустақил давлатчилигини ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатлар глобаллашув шароитида янада кучсизланишига сабаб бўлади.

“Очиқ давлат бошқаруви” каби ёндашувлар эса жамият олдига ҳисобдорликка эришишни мақсад қилади. 2011 йили АҚШ, Бразилия, Буюк Британия, Мексика, Филиппин, Норвегия, Индонезия ва ЖАР янги халқаро ташкилот — Очиқ давлатлар ҳамкорлиги уюммаси тузилганини эълон қилган, ташкилот олдига аъзо давлатларнинг ўз фуқаролари олдидagi ҳисобдорлигини янада оширишга эришиш вазифаси қўйилган эди. Лекин ушбу концепцияда аҳолини ўйлантирган, жамият учун муҳим аҳамиятга эга ижтимоий масалаларни халқ қилишда давлатнинг ўрни тўғрисидаги масалалар очик қолган.

Кейинги ўн йилликларда, айниқса, машҳур бўлаётган ва кўплаб мамлакатлар бошқарув тизимларига таъсир қилаётган моделлар сифатида “Янги давлат менежменти” (New Public Management ёки қисқача NPM) ва “Мақбул бошқарув” (Good Governance)ни алоҳида тилга олиш мумкин. Биринчи концепция 1990 йилларда илмий доираларга киритила бошлаган бўлса-да, унинг асосида турган ёндашувлар ўтган асрнинг 80-йилларидан Ғарб мамлакатларининг аксариятида кузатила бошлаган эди.

Н.Мэннинг ва Н.Парисон Ғарбнинг ўн тўртта давлатида NPM бўйича амалга оширилган ўзгаришларни таҳлил қилган. Мазкур моделга таяниб, ислохотларни амалга оширган мамлакатлар давлат харажатларининг камайишига эришиб, давлатнинг ривожланиб бориши учун зарур асосларни яратиш, давлатнинг иш берувчи сифатидаги функциясини самарали удаллаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга эришишни мақсад қилади. Шу мақсадларда давлат бошқарувида тежамкорлик, ҳаракатчанлик ва самарадорликка эришиш бирламчи вазифалар сифатида белгиланади.

Хусусий секторга хос иш услуби, яъни бозор иқтисодиёти қонуниятларини давлат бошқарувида татбиқ қилиш ғояси илгари сурилгани NPMнинг ўзига хослигини белгилайди. Яъни давлат тасаруфидagi кўплаб ресурсларни хусусий секторга ўтказиш, давлат ваколатларининг ҳам бир қисmini бозор тузилмалари ихтиёрига бериш, номарказлаштириш, давлат аппаратыни қисқартириш орқали харажатларни камайтириш ва бозор иқтисодиётида самарадорлигини исботлаган шунга ўхшаш механизмларни давлат бошқарувида ҳам жорий қилиш мақсадлари қўланади.

Давлат бошқарувида замонавий, менежериял ёндашув сифатида самарадорлик асосий ўринга қўйилар экан, бунга халақит қиладиган омиллар



“

Президентимиз илгари сурган таклиф давлат бошқарувини жаҳон ҳамжамиятининг тараққиёт тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантиришга туртки беришига, ушбу ёндашув дунё давлатлари фаолиятидаги муҳим тамойиллардан бирига айланишига шубҳа йўқ.

қаторида давлатнинг фуқаролар олдидagi бир қатор мажбуриятларидан воз кечиш ҳам назарда тутилади. Айнан ижтимоий соҳага оид мажбуриятларни соқит қилиш мазкур моделнинг кўплаб ижобий томонларига қарамаздан, қимматини туширадиган жиҳатларидан биридир. NPMда кўзга ташланадиган бундай камчиликлар унга муқобил

Интервью

Мақсад аниқ: хотин-қизлар ва ёшларимизни рози қилиш

Янги Ўзбекистон халқчил ислохотлар мамлакати сифатида эътироф этилмоқда. Кейинги йилларда халқимиз дунёқараш тубдан ўзгарди. Бу ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй бераётган, одамларимиз кутган ўзгаришлар билан боғлиқ, албатта.



Эркинжон ТУРДИМОВ, Самарқанд вилояти ҳокими:

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилиш ҳам том маънода ана шу ислохотларга ҳамоҳанг бўлди.

— Йиғилишда кўтарилган масала нихоятда долзарб бўлиб, ҳокимларга жуда катта масъулият юклатилди. Эндликда биз жойларга чиқиб, аҳоли хонадонларига кириб, ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини тинглашимиз, уларни касб-хунарга ўратиб, иш билан таъминлаш бўйича барча чораларни кўришимиз керак. Бунда асосий урғун нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўқитиш марказларига қаратишимиз лозим.

Йиғилишда ёшлар ва аёлларни ўқитиш марказларини ташкил этиш, уларнинг битирувчиларини иш билан таъминлашига қараб қўшимча субсидиялар ажратиш масалалари кўтарилди. Бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, зарур топшириқлар берилди. Бизнинг олдимизга қўйилган вазифалар ана шу масалаларга теран кўз билан қараб, бу борада ошқора, шаффоф тизим яратиш, шу йўналишда фаол иш олиб боришдан иборат. Зеро, бугун бажарилиши белгиланган сазй-ҳаракатларнинг барчаси фуқаролар бандлигини таъминлаш, одамларимизни рози қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Президентимизнинг аёллар ва ёшлар дафтарини ташкил этиш бўйича берган топшириғи билан жуда катта масалалар ечимини топади. Айни пайтда тўртта сектор раҳбари билан биргаликда вилоятимизда мавжуд 519 маҳаллани ўрганиб, аҳоли билан мулоқотни бошладик. “Улар биздан рози бўлиши учун нима истамоқда”, деган саволга жавоб топишга киришдик.

Ўрганишларимизнинг дастлабки натижалари бўйича айтиш мумкин, ҳозирда хоразмлик 30 мингдан ортиқ ёш ишсиз, 50 мингдан ортиқ хотин-қизнинг турли муаммолари бор. 367 аёлнинг уйдаги шароитини яхшилаш, 27 нафарини бепул уй билан таъминлаш керак.

Бу ҳали бошланиши. Олдимизда кўп муаммолар борлигини ҳам биламиз. Кимнингдир оиласида бетоб инсон бор, кимдир фарзандини ўқитиши ёки ишга жойлаши керак. Муаммоларни “аёллар дафтери” ва “ёшлар дафтери”да қайд этиб, шу асосда назоратни кучайтирамиз.

— Сурхондарёда ёшлар, аёллар бандлигини таъминлаш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Уларни кўплаб-қувватлаш учун жойларда маҳаллий ҳокимликлар бюджет тушумларининг қўшимча бажарилган қисмидан ҳам маблағ ажратиб, грант лойиҳаларни тасвия этиши мумкин.

Иш ўрни яратамиз, десак талаб ҳам, шароит ҳам бор. Масалан, вилоятимизда 11 соҳани ўрганиганимизда бугун сартарошлик, гўзаллик салони, хизмат кўрсатиш шохобчалари, кийимларни кимёвий тозалаш йўналиши бўйича 8000 дан зиёд ишчи ўрни яратишга талаб борлиғи маълум бўлди. Бу борада иқтидорли ёшларимиз ҳам етарли. Бундай ёшларни касбга йўналтириш бўйича ўқув марказлари ишлаб турибди. Лекин улар бугун қайсидир маънода тўлиқ фаолият юритмаяпти.

Президентимиз бизга ёшларни касбга йўналтириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида кредитлар ажратиш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берди. Албатта, берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида, шаффофлик билан бажарилишини таъминлашимиз.

— Туманимизда 200 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг қарийб тенг ярни хотин-қизлардан иборат. Ёшларимиз эса 45 мингдан ортиқни ташкил этади. Кўриниб турибдики, бу — жуда катта куч.

Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш тизимида 100 дан зиёд раҳбар ходим фаолият юритади, 9 та жамоат ташкилоти бор. Президентимиз белгилаб берган вазифаларни бажаришга барча масъуллар биргаликда киришсак, кўп ишларни қилишга қодиримиз. Албатта, кўзланган манзилга етамиз.

Хатирчи кенг имкониятлар макони ҳамдир. Кенг далалар, адирликлар, яяловлар, лалми ерларимиз кўп. Уларни ўзлаштириш имкониятимиз бор. Бу, албатта, янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, дегани.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, “аёллар дафтери” ва “ёшлар дафтери”нинг шакллантирилиши мамлакатда камбағалликни камайтиришга, “темир дафтар”га кирувчилар сонини қисқартиришга ҳам хизмат қилади.

даги бўшлиқларни тўлдирган ва мавжуд вазиятда давлатнинг бошқарувчилик ролига, керак бўлса, масъулиятига мутлақо янгича ёндашув лозимлигини кўрсатиб берган қараш сифатида ўртага қикди. Бу билан, бир томондан, давлат ҳокимиятини мутлақлаштириш, иккинчи томондан эса, бунинг акси ўлароқ, давлатнинг жамият ҳаётидаги иштирокини минимал даражага туширишга интилишлардан фарқли равишда давлатнинг ўз функциясини самарали бажаришга хизмат қиладиган ёндашув таклиф этилди.

Пандемия оқибатида юзага келган вазият дунё давлатларида мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ғоясига қизиқиш уйғотгани табиий. Негаки, февралдада вазиятларда мамлакат аҳолиси ва халққаро ҳамкорлар олдига масъулиятни ҳис қилган ҳар қандай давлат бир қатор мажбуриятларни зиммасига олиши лозимлигини, ўз навбатида, бошқалардан ҳам шуну қута олиши учун махсус халққаро конвенция қабул қилиниши зарурлигини англамасдан бошқа илож йўқ.

Шу ўринда Ўзбекистонда бошланган чуқур янгиланишларнинг дастлабки кунлариданок ўз халқи олдига чуқур масъулият ҳис қиладиган давлат бошқарувини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганини эслаб ўтиш лозим. “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган шior ҳам, маъмурий ислохотлар мақсади ҳам шунга қаратилгани яхши маълум. Беш йўналишда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилишини янада тақомиллаштириш масаласидан бошланиши бежиз эмас.

Кейинги ўн йилликларда шаклланган сиёсий менежмент эндиликда давлатнинг фуқаролар ҳамда хорижий ҳамкорлар олдига, айниқса, февралдада вазиятларда, ихтиёрий мажбуриятлари бўлиши керак, деган муҳим ғоя билан бойиди. Шу маънода Президентимиз илгари сурган таклиф давлат бошқарувини жаҳон ҳамжамиятининг тараққиёт тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантиришга туртки беришига, ушбу ёндашув дунё давлатлари фаолиятидаги муҳим тамойиллардан бирига айланишига шубҳа йўқ.

Нигоҳ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида: “Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгилаш ёндашувлари асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур”, деган фикрни билдирди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки БМТ Бош котиби жорий йилнинг январь ойида инсоният келажига таҳдид солаётган “тўрт чавандоз” — тобора кучайиб бораётган глобал геостратегик танглик, иқлим ўзгаришлари, халқаро майдондаги ишончнинг инқирозга юз тутгани ва рақамли технологияларни татбиқ этишининг салбий оқибатлари ҳақида гапирганди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ минбаридан янграган янги ташаббуслар

Мирзатилло ТИЛЛАБОЕВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори

Антониу Гутерриш БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида панада яна бир “чавандоз” — COVID-19 пандемияси пайт пойлаб турганига эътибор қаратди. Бош котиб жаҳон ҳамжамиятини ана шу “беш чавандоз”ни мағлуб этиб, ўзимиз истаган тинч, инклюзив ва барқарор дунёни ўзаро ҳам-жиҳатликда барпо этишга чақирди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, бундай глобал фалокат сайёрамизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол намоён этди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлат ва халқлар ўзаро боғлиқ экани, ўртаимизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини яна бир бор исботлади.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлигини ва фаровонлигини таъминлаётганига адолатли глобал тизимни биригилликда яратиб мақсадиди БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш тақдирини илгари сурди. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқароси ва халқаро ҳамкорларини олдидagi мажбуриятлари акс этиши назарда тутилган.

Ўзбекистон БМТ Бош котибининг “БМТ 75 ёшда: келажакка нигоҳ” мавзусидаги нутқида илгари сурган туркум глобал мунозаралар уюштириш ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади. Утган давр мобайнида айтиш шу мақсадда бир қатор мунозаралар ташкил этилди.

Бундан беш йил аввал БМТга аъзо давлатлар 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартибини қабул қилди. Айни пайтда Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича Миллий индикаторлар муваффақияли татбиқ этилмоқда.

COVID-19 пандемиясининг тарқалиши, албатта, Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Халқаро ташкилотлар қоронавирусга қарши курашнинг инсон ҳуқуқлари, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга чақирмоқда.

Ўзбекистонда ушбу хатарни бартараф этиш учун ҳарча зарур чоралар қўрилмоқда. Хусусан, 14 июлда “Пандемия ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида миллий онлайн мулоқот ташкил этилиб, унда парламент палаталари, вазирликлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, мазкур тадбирда БМТ агентликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Бундан олдин, яъни жорий йил 24 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ташаббуси билан БМТ ва ЕХҲТ расмий вакиллари Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Ўртасарой қарантин марказига таширф буюрган эди.

Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича биринчи ихтиёрий Миллий шарҳини парламент ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказди. Айни пайтда ушбу Миллий шарҳ БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашига тақдим этилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрдаги Барқарор ривожланиш бўйича саммитида қабул қилинган

70-резолүциясига биноан 17 та барқарор ривожланиш мақсади тасдиқланган. Ана шу асосда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ глобал кун тартибини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг миллий мақсад ва вазифалари тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.

Барқарор ривожланиш мақсадларида (БРМ) белгиланган 169 та вазифанинг 92 фоизи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар билан бевоcита боғлиқ. Барқарор ривожланиш кун тартиби “инсон ҳуқуқларини барча учун амалга оширишга интилиш” тамойили ижросига қаратилган бўлиб, Барқарор ривожланиш мақсадларининг аксарияти ўзида, асосан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар қоидаларини акс эттиради.

Барқарор ривожланишнинг “Тинчлик, адолат ва самарали институтлар” деб номланган 16-мақсади шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни қамраб олган. Ушбу мақсад, асосан, шахсий хавфсизлик, одил судловга эришиш ва асосий эркинликлар соҳасидаги институционал ислохотларни назарда тутди.

Халқаро ҳамжамият ушбу мақсадга эришиш жараёнида “ҳеч ким ортда қолмайди” тамойилини яқдиллик билан амалга оширмоқда. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари соҳасида тенглик ва камситилмаслик тамойилларини тўлиқ ифода этади. Чунончи, 1945 йилда Сан-Францискода бўлиб ўтган конференциянинг 800 дан ортиқ иштирокчилардан фақат 8 таси аёл бўлган бўлса, бугунги кунда 20 дан ортиқ мамлакатда давлат ва ҳукумат раҳбарлари аёллар, шунингдек, дунё парламентларнинг 25 фоизи аёл депутатлардан иборат.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқаруви-



даги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар қўлайди”. Дарҳақиқат, Қўнчилик палатасининг 32 фоизи аёл депутатлардан иборат. Ўзбекистон бу борада дунё парламентлари рейтингиди 44-ўринга кўтарилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича янги халқаро шартномалар қабул қилиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бундай ташаббусларнинг амалий ифодасини, жумладан, кейинги даврда БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний баркиренглик” резолюцияси қабул қилингани, шунингдек, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани мисолида кўриш мумкин. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиядаги нутқида халқаро ҳамжамият эътиборини ана бир бор мазкур ҳужжатни қабул қилиш заруратига қаратди.

2019 йил февраль ойида Ўзбекистон 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиш учун ўз номзодини илгари суриши тўғрисида баёнот берган. Шундан сўнг номзодлик БМТ Бош Ассамблеяси рўйхатидан ўтказилди ва дипломатик саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-резолүциясига мувофиқ, 2019 йил октябрь ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига “2021-2023 йилларда тақдим этиладиган ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” ҳужжати тақдим этилди. Ихтиёрий мажбуриятларнинг қисқача таҳлилига тааллуқли яна 2 та ҳужжат тайёрланди.

Ўзбекистон тақдим этган Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдаларда мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар, Ўзбекистоннинг халқаро, минтақавий ва миллий доиралардаги мажбурият ва меҳалари батафсил акс этган ва тавсифланган. Ушбу мажбуриятларни 2030 йилгача бўлган даврда БМТ глобал кун тартиби доирасида амалга ошириш белгиланган. Бугунги кунда режадаги айрим ихтиёрий мажбуриятларни бажаришга киришилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, БРМ ҳамда БМТнинг барча тузилмалари тавсияларини инобатга олган ҳолда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди. Ушбу стратегия тўғрисидаги маълумот БМТ Бош Ассамблеясининг 74-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

Президентимиз фармони билан БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари қарорларини қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низо тасдиқланди.

Таълим инсон ҳуқуқларининг асосий омилларидан бири саналади. Айни шу мақсадда парламент томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Францияда бўлиб ўтган конференциянинг 800 дан ортиқ иштирокчилардан фақат 8 таси аёл бўлган бўлса, бугунги кунда 20 дан ортиқ мамлакатда давлат ва ҳукумат раҳбарлари аёллар, шунингдек, дунё парламентларнинг 25 фоизи аёл депутатлардан иборат.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқаруви-

даги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар қўлайди”. Дарҳақиқат, Қўнчилик палатасининг 32 фоизи аёл депутатлардан иборат. Ўзбекистон бу борада дунё парламентлари рейтингиди 44-ўринга кўтарилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича янги халқаро шартномалар қабул қилиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бундай ташаббусларнинг амалий ифодасини, жумладан, кейинги даврда БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний баркиренглик” резолюцияси қабул қилингани, шунингдек, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани мисолида кўриш мумкин. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиядаги нутқида халқаро ҳамжамият эътиборини ана бир бор мазкур ҳужжатни қабул қилиш заруратига қаратди.

2019 йил февраль ойида Ўзбекистон 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиш учун ўз номзодини илгари суриши тўғрисида баёнот берган. Шундан сўнг номзодлик БМТ Бош Ассамблеяси рўйхатидан ўтказилди ва дипломатик саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-резолүциясига мувофиқ, 2019 йил октябрь ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига “2021-2023 йилларда тақдим этиладиган ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” ҳужжати тақдим этилди. Ихтиёрий мажбуриятларнинг қисқача таҳлилига тааллуқли яна 2 та ҳужжат тайёрланди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-резолүциясига мувофиқ, 2019 йил октябрь ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига “2021-2023 йилларда тақдим этиладиган ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар” ҳужжати тақдим этилди. Ихтиёрий мажбуриятларнинг қисқача таҳлилига тааллуқли яна 2 та ҳужжат тайёрланди.



БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрдаги Барқарор ривожланиш бўйича саммитида қабул қилинган 70-резолүцияси билан 17 та Барқарор ривожланиш мақсади тасдиқланган. Шу асосда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг миллий мақсад-вазифалари ҳам тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.

қўп томонлама шартнома — Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўрсатётган фаоллигига Парламентлараро



иттифоқ алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи 2018 йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва БМТ тавсияларини бажариш устидан парламент назоратини ўрнатish механизми ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси БМТ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари билан ҳамкорлик бўйича ҳаракатлар режасини қабул қилди ва ўз тарихида илк бор инсон ҳуқуқлари юзасидан парламент ҳисоботини чоп этди.

Жорий йилнинг 20 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилиниши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳам биринчи мартаба эшитилди.

“Фуқаросизлик” муаммоси айни пайтда парламент эшитишга ўтказилди. Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган ушбу парламент эшитишда Парламентлараро иттифоқ вакили ҳам иштирок этди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилиниши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳам биринчи мартаба эшитилди.

“Фуқаросизлик” муаммоси айни пайтда парламент эшитишга ўтказилди. Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган ушбу парламент эшитишда Парламентлараро иттифоқ вакили ҳам иштирок этди.

“Фуқаросизлик” муаммоси айни пайтда парламент эшитишга ўтказилди. Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган ушбу парламент эшитишда Парламентлараро иттифоқ вакили ҳам иштирок этди.

Бундан амаллатимизнинг нафақат ҳамкор давлатлар, балки халқаро ва минтақа миқёсидаги нуфузли ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидан изчил одимлаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ЖАҲОН МИНБАРИДА ЖАРАНГЛАГАН ОНА ТИЛИМ



Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Туркиянинг “Жумхурият” газетаси ўзининг 2020 йил 21 сентябрь сониди Шавкат Мирзиёевнинг 75-сессияда ўзбек тилида нутқ сўзлаётганини олқишлаб, мақола эълон қилди. Бундан, албатта, дўстлар қувонади. “O‘zbek dili BM‘de” сарлавҳали мақолада Ўзбекистоннинг туркий давлатлар орасида энг кўп аҳолига эга давлат экани, мамлакат аҳолиси, асосан, ўзбеклардан иборатлиги, қўшни ўлкалар — Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонда ҳам кўп сонли ўзбеклар яшаш эзилган.

“Амир Тему́р авлодларининг диёри очик осмон остидаги музейга ўхшайди гўё”, “Мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий янгилашга ғояси “Янги Ўзбекистон” шиори остида тилга олинмоқда”, деб ёзилади мақолада. “Турк тилининг тамал тошларидан

асарини ёзиб тугатган. Бирон тил ҳақида шундай қомусий асар ёзиш учун мазкур тил узоқ ривожланиш жараёнини босиб ўтиши, маданий майдон ҳосил қила билиши, етарли материал бера олиши керак. Бой турк тили ана шундай фазилатларга эга эди, шундай асар ёзилишига тўла имкон яратди.

Бундан 710 йил муқаддам Хоразмда буюк ўзбек адиби Носириддин Рабғузий “Қиссаси Рабғузий” асарини яратди. Адабиётимизда насрнинг илк намунаси бўлган бу асарнинг бус-бутун баҳоси ҳали олдинда турибди. Уни бемалол маънавий-маърифий роман деса бўлади. Куйидаги парчага эътибор беринг, унинг соддалигига назар қилинг:

“...Қачон изи азза ва жалла Одамни яратмак тилади эрса Жаброилга хитоб келди: “Борғил, Ер юзиндин бир увуқ тупроқ кетурғил”. Жаброил келиб олғалу ўғради эрса Ер Жаброилга онт берди: “Мандин тупроқ олмағил!” — теб. Жаброил онт оғирлаб тупроқ олмади...”

Ўзбек мумтоз шоири Хоразмий 1353 йилда ёзган машҳур “Мухаббатнома” достонидида бетимсол ёрни бундай гўзал таърифлайди:

Аникеким ол энгинда менг яратди, Бўйи бирлан сочини тенг яратди...

Бўйинг сарву санобардек, белинг қил.

Вафо қилгон кишиларга вафо қил...

XIV асрда яшаган Лутфий муҳаббатини бундай изҳор қилади:

Сенсан севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,



бўлган чигатой (эски ўзбек тили дейилса тўғрироқ бўлади — М.А.) лаҳжасини адабий тил даражасига етказган Алишер Навоий айни вақтда Амир Тему́р давлатининг забардаст вакилидан бири эди”, сўзларини келтирилади яна газета.

Ўзбек тили чиндан ҳам дунёнинг қадимий туркий тилларидан ҳисобланади. “Ўзбек” атамаси XX аср бошларида, муайян тарихий сабабларга кўра, миллат номига айланди. Ўзбек аслида халқимизнинг тўқсон икки уруғидан бирининг номидир. Тарихда миллатларнинг номи ўзгариб туриши тез-тез учрайдиган ҳодиса.

Ўзбек тилининг бунчалар шарофатлиши бежиз эмас. Зеро, бу ўзбек тилининг бунга маънавий ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам борлигини, имкониёти кенглигини кўрсатади. Юқорида айтилганидек, “турк тилининг тамал тошларидан бўлган” ўзбек тилида дунё адабиётини беэган улуг асарлар ёзилган, буюк маданият яратилган, яратилмоқда. Ўзбек адабиёти тарихини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан эмас, балки ундан анча нарироқ, миллатнинг бошларидан, “Олтин ёруғ” достонидан бошлаш лозимлигини айтмоқда олимларимиз (хусусан, Насимхон Раҳмонов ва бошқалар). Она тилимизнинг яшовчанлиги ва бойлиги, инжа-нозиқлиги ҳақида тасаввур бермоқ учун айрим мисоллар келтириб ўтмоқчиман.

Ўзбек тилининг бунчалар шарофатлиши бежиз эмас. Зеро, бу ўзбек тилининг бунга маънавий ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам борлигини, имкониёти кенглигини кўрсатади. Юқорида айтилганидек, “турк тилининг тамал тошларидан бўлган” ўзбек тилида дунё адабиётини беэган улуг асарлар ёзилган, буюк маданият яратилган, яратилмоқда. Ўзбек адабиёти тарихини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан эмас, балки ундан анча нарироқ, миллатнинг бошларидан, “Олтин ёруғ” достонидан бошлаш лозимлигини айтмоқда олимларимиз (хусусан, Насимхон Раҳмонов ва бошқалар). Она тилимизнинг яшовчанлиги ва бойлиги, инжа-нозиқлиги ҳақида тасаввур бермоқ учун айрим мисоллар келтириб ўтмоқчиман.

Ўзбек тилининг бунчалар шарофатлиши бежиз эмас. Зеро, бу ўзбек тилининг бунга маънавий ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам борлигини, имкониёти кенглигини кўрсатади. Юқорида айтилганидек, “турк тилининг тамал тошларидан бўлган” ўзбек тилида дунё адабиётини беэган улуг асарлар ёзилган, буюк маданият яратилган, яратилмоқда. Ўзбек адабиёти тарихини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан эмас, балки ундан анча нарироқ, миллатнинг бошларидан, “Олтин ёруғ” достонидан бошлаш лозимлигини айтмоқда олимларимиз (хусусан, Насимхон Раҳмонов ва бошқалар). Она тилимизнинг яшовчанлиги ва бойлиги, инжа-нозиқлиги ҳақида тасаввур бермоқ учун айрим мисоллар келтириб ўтмоқчиман.

Буюк олим Махмуд Қошғарий 1069 йилда ўзининг “Девону луготит турк” номли машҳур

Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма...

Унинг замондоши Атоий санамнинг барнолигидан бундай хайратланди:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтирур.

Ғоятти нозуқлиғидин сув била ютса бўлур...

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонидида суюклиши Фарҳод вафотидан кейин ғам-андуҳга чўмган Ширинга совчи бўлиб келган Эрон подшоиси Шеруьга кескин рад жавобини бериб, дейди:

Менга не ёру не ошшқ хавасдур, Азар мен одам ўлсам, ушбу басдур...

Офарин! Кези келганда таъкидлаш жоизки, Шириннинг сўзларида — шу содда ва улғў икки сатрда акс этган одам бўлмоқ, инсонийликни юксак тутмоқ ғояси умумийла Навоий ижодининг бош лейтмотиви ҳисобланади.

Бари — ўзимизнинг она тилимиз чечаклари...

Президентимизнинг БМТ олий анжуманида Навоий тилида нутқ сўзлаши бутун халқимизнинг руҳини нурлантирадиган, қаддини кўтарадиган қутлуг ҳодисага айланди.

Бу тилимизга бўлган меҳр-муҳаббатнинг, эътиборларнинг юксак ҳосиласидир.

Шундай тилда сўзлаётганидан, қалам тебратётганидан беихтиёр ифтихор туйғусини туюсан киши...

Давра суҳбати

ЎЗБЕКИСТОН — АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Аждодлар мероси баркамол авлодни тарбиялаш учун муҳим қўлланма

Айни кунларда Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи таълим соҳаси вакиллариининг диққат марказда турибди. Кўп қиррали ва кўп моҳиятли ушбу нутқнинг туб ўзақларидан бири заминимиздан етишиб чиққан алломалар мероси ва уларни ёшларга етказиш масаласи билан bogliq.

Тошкент давлат шарқшунослик университетидида “Бугуннинг ёшларини аждодлар меросига яқинлаштириш” мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида таниқли шарқшунос-манбашунослар, адабиётшунослар иштирок этиб, аждодлар меросини ўрганишнинг янги уфқлари, рақамли дунё соҳиблари — ёшларга ёзма ёдгорликлар мазмун-моҳиятини аниқлаштириш, ўтмишда яратилган асарларни нашр этиш масалалари ҳусусида сўз юритди.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан кўни кеча имзоланган “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишда белгилаб берилган вазифаларни батафсил таҳлил қилди.



Аҳмаджон ҚУРОНБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
профессор:

— Ўзбек халқининг битмас-туганмас маънавий уммони ҳазрат Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” достонида айтади:

Чун сени ҳақ нодирасон айлади,
Даҳр злига нафърасон айлади,
Ҳар киши бу амрга мансуб эрур,
Барча улус кўнғлига маҳбуб эрур.

Байтлар мазмуни шуки, Ҳақ таоло сени нодир ақл эгаси

Бугунги кунда ёш авлоднинг тарбиясига йўналтирилган хайрли ишлар ва ислохотлар агар тизимли равишда амалга оширилса, яқин келажақда муқаддас заминимиздан янги Бухорий ва Термизийлар, Беруний ва Хоразмийлар, Улуғбек ва Навоийлар етишиб чиқишига асос яратлади. Мен бунга ишонаман!



Гулчехра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори:

— Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида кўтарилган қатор масалалар бевосита университетимиз фаолияти билан ҳам чамбарчас bogliq. Айниқса, ҳар қаричида тарих муассаси она заминимиздан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганиш ва уларнинг асарларини бугуннинг ёшлари тилида етказиш масаласи университетимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши кераклигини кўрсатмоқда. Нутқдан келиб чиқиб, университетда аждодлар меросини ўрганиш ва ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш билан bogliq ишлар уч асосий йўналишда йўлга қўйилади.

Биринчи гада, боболаримиздан қолган улкан ёзма мерос ва қадимги Шарқ кўлэмаларини чуқур ҳамда тизимли ўрганишнинг мустақам пойдевори — юқори малакали шарқшунос-манбашуносларни тайёрлаш иши муассасамиз фаолиятининг муҳим йўналишига айланади. Битта малакали етук манбашуносни етиштириш учун ўн йиллаб вақт керак. Агар ўғил-қизларимизга университет таълими давриддан кўлэмаларга ошнолик туйғусини сингдира олсак, улардан келусида яхши манбашунос, матншунослар етишиб чиқишига умид қилиш мумкин.

Иккинчидан, аждодларимиздан қолган нодир ёзма ёдгорликларнинг илмий тавсифларини тузиш, кўлэмаларни солиштириш орқали илмий танқидий матнларини тайёрлаш, манбалар устида тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам ўта муҳим. Бу борада ҳам ишларимизни қайта қўриб чиқишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, боболардан қолган улкан ёзма мерос ва қадимги Шарқ кўлэмаларининг шарҳланган таржималарини тайёрлаш, ўзбек ва хорижий тилларда нашр этиш, ёш авлодга тушунарли тилда етказиб бериш ҳам бугуннинг энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган масаласидир. Бунинг учун олий таълим муассасамизда ўқув ва илмий салоҳият етарли даражада.



Марям ЗШМУХАМЕДОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент:

— Абу Райҳон Беруний ҳақидаги Шарқшунослик институтини ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондлари юртимиздаги ёзма ёдгорликлар сақланадиган асосий муассасалар ҳисобланади. Шу чоққча бу ноёб мероснинг фақат бир қисми ўрганилган. Ҳақи қилинадиган ишлар олдинда. Биргина мисол. Бошқаларга қараганда, яхшироқ ўрганилган Аҳмад Яссавий

ва унинг мактаби шоирларининг асарлари ўрин олган манбаларнинг фақат Шарқшунослик институтини кўлэмалар фондига сақланаётган 200 дан ортиқ нусхаси тадқиқ этилган. Тадқиқ этилмаганлари эса бундан ҳам кўп.

Маънавийтимиз тарихида бундай асарлар сон-саноксиз. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Бу тадқиқотчиларнинг кўпчилиги, шубҳасиз, университетимиз битирувчилари орасидан етишиб чиқади. Уларни эса ана шу ёзма меросни ўрганувчи ҳақиқий ворислар этиб тарбияламоқ лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, уларга кўлэма билан ошнолик кўникмаси берилса, иккинчи навбатда, шарқ тилларини яхши ўзлаштиришлари эришиш керак. Учинчидан, толиби илмларга кўлэма фондларидаги манбалардан ўқиб, фойдаланишлари учун муаммо бўлмаслиги лозим. Ана шундагина мақсадга эришиш мумкин.

Учинчи навбатда, шарқ тилларини яхши ўзлаштиришлари эришиш керак. Учинчидан, толиби илмларга кўлэма фондларидаги манбалардан ўқиб, фойдаланишлари учун муаммо бўлмаслиги лозим. Ана шундагина мақсадга эришиш мумкин.

Учинчи навбатда, шарқ тилларини яхши ўзлаштиришлари эришиш керак. Учинчидан, толиби илмларга кўлэма фондларидаги манбалардан ўқиб, фойдаланишлари учун муаммо бўлмаслиги лозим. Ана шундагина мақсадга эришиш мумкин.



Боқижон ТҲУЛИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор:

— Президентимизнинг: “Буюк аждодларимизнинг бетакор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳаммиса ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз лозим”, деган мулоҳазалари таълим тизимининг турли босқичларидаги фаолият мазмунига жиддий эътибор беришни таъқозо этади.

Бу бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон — алломалар юрти. Улар қолдирган бой мерос фаннинг барча соҳаларига тааллуқли. Уларнинг асл моҳияти ва мазмуни эса турли фанларнинг тарихи ва

тарихий тараққиёти, уларнинг бугунги ҳолати ва ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Махмуд Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошгарий, Аҳмад Юнакий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа адиб ва алломаларимиз мероси ёш авлодни баркамол инсонлар сифатида тарбиялаш йўлида жуда катта маърифий ҳамда педагогик имкониятларга эга. Бу имкониятларнинг реалликка айланиши учун эса кўпга соҳа мутахассислари, олимлар, ўқитувчи ва мураббийларнинг биралиқдаги ҳаракатлари зарур бўлиб турибди. Мазкур меросни ўқиш, ўрганиш мунтазам тус олиши керак.

Ўн биринчи асрнинг буюк мутафаккири Махмуд Кошгарий ўша даврдаги туркийлар тилида “Кут белгуси — билги” макролининг кенг қўлланганини қайд этади. Бу “Билим — бахт-саодат белгиси” демакдир. Бу мақол замирида билимнинг фаровонлик, тинч-хотиржам яшаш, ўзаро аҳил ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун ҳам асосий омил бўлиши муҳиммаслашган. Билимнинг шарофати шундай экан, ҳар бир янги кузатиш ва натижаларнинг омалаштирилиши ҳам асосий эътиборда бўлиши, илмий натижаларнинг амалиётга таъбиқи тезлашиши лозим.

Бизнингча, янги давр ўзбек манбашунослиги қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши керак бўлади. Яъни минтақамиздан етишиб чиққан алломалар ҳаёт йўли, илмий-ижодий фаолияти бўйича шу чоққча яратилган тадқиқотларни мутлақо камситмаган ҳолда улугларнинг илмий биографиясини қайтадан ёзиш керак. Алломалар ҳаёт ва ижод йўлини ёзганда ўша давр ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, маънавий муҳитни ҳисобга олган ҳолда мутафаккирларнинг биринчи ва иккинчи Ренессанс феноменини шакллантиришдаги ўрни ҳам кўрсатиб берилмоғи лозим. Айниқса, улуг алломаларнинг ҳаёт йўли катта ибрат мактабидир. Шунинг учун биографияларда уларнинг фақат асарлари ҳақидаги маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, балки асарларининг яратилишига турки бўлган ижтимоий эҳтиёжлар, бундан ташқари, улугларнинг одамийлиги фазилатларига ҳам алоҳида урғу берган маъқул.

Алломалар меросини матншунослик ва манбашунослик нуктаи назаридан кенг қўламда ўрганиш ва уларнинг мукамал илмий нашрларини тайёрлаш жоиз. Алломалар бўйича электрон лугатлар ҳамда уларнинг барча ёзма асарларининг электрон корпусини яратиш зарур. Шунингдек, алломаларимизнинг юртимиз ва дунёнинг нуфузли кутубхона ва музейлари фондларида сақланаётган кўлэма ҳамда

Боболардан қолган улкан ёзма мерос ва қадимги Шарқ кўлэмаларининг шарҳланган таржималарини тайёрлаш, ўзбек ва хорижий тилларда нашр этиш, ёш авлодга тушунарли тилда етказиб бериш ҳам бугуннинг энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган масаласидир.

юртларининг филология факультетларида кўлэмаларни ўқитишга кўп эътибор берилмаганди. Мутахассис Фанлар академиясининг кўлэмалар билан bogliq институтлари ишга борганидан кейин ўша ерда ёки аспирантурада, диссертация йўналишининг талабидан келиб чиққан ҳолда, кўлэмани ўқиб-ўрганишга киришарди. Ҳозир ана шу ишларни олий ўқув юртиларига кўчиришнинг вақти келди. Бўлғуси шарқшунос-манбашунослар кўлэмалар билан ишлаш билимини олий ўқув юртида эгалласин. Бунинг учун мумтоз филология, матншунослик ва манбашунослик бўлимлари ўқув режасидаги мутахассислик ва танлов фанларининг бари шунга йўналтирилмоғи керак. Биз таълим жараёнини шундай изга қўяйликки, битирувчиларимиз илмий тадқиқот институтларига кўлэмаларни ўрганиш билан bogliq барча билим ва кўникмаларни эгаллаб, тайёр мутахассис сифатида ишга борсин.

Ўн биринчи асрнинг буюк мутафаккири Махмуд Кошгарий ўша даврдаги туркийлар тилида “Кут белгуси — билги” маколининг кенг қўлланганини қайд этади. Бу “Билим — бахт-саодат белгиси” демакдир. Бу мақол замирида билимнинг фаровонлик, тинч-хотиржам яшаш, ўзаро аҳил ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун ҳам асосий омил бўлиши муҳиммаслашган.



Рихситилла АЛИМУХАМЕДОВ,
филология фанлари доктори:

— Бугунги кунда дунёнинг барча шарқшунослик марказларида заминимизда яратилган ёзма меросни ўрганиш, улар устида тадқиқот иши олиб бориш юқори босқичга кўтарилмоқда. Айни паллада юртимизда ҳам ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Галдаги вазифа университетимизнинг Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедрасида ўқитиладиган мутахассислик фанлари доирасида мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Отаҳий сингари ижодкорларнинг ёзма меросларини илк манбалар — кўлэма ва тошбосма нашрлар, уларнинг факсимиль нусхалари асосида сабоқ беришни тизимли йўлга қўйиш керак. Токи талабалар мумтоз адабиётимиз вакиллари ёзма меросининг аслият матнлари билан ишлаш кўникмаларини дарс жараёнида эгалласинлар.

тошбосмалари факсимилини ҳам интернет тармоғига жойлаштириш керак бўлади.

Яна бир муҳим масала. Глобал интернет тармоғида ёзма меросга бағишланган махсус сайт ва порталларни очиб шарт. Бу ерда боболар меросига бағишланган илмий ишлар ва мақолаларнинг тўлиқ электрон вариантларини жойлаштириб бориш зарур. Бунда ўқувчилар билан bogliq ланиш учун чат ҳам очиб қўйиш керак. Тоқайки, китобхона қадим асарлардан тушунарли ҳар бир жумла бўйича ўз сўроғини йўллаш ва унга жавоб олиш имконияти бўлсин. Тармоқларда алломаларимизнинг ўлмас байтлари, пурмаъно хикматлари асосида тайёрланган, бирор мақсадга йўлловчи, бирор ишга чоғланттирувчи суратли матн (демотиватор)лар ҳам ўрин олган бўлсин. Ёшлар бир-бирлари билан виртуал оламда мулоқот қилганда, матнли хабарларни йўллаганда ёки ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўз саҳифасида макомини (статус)ни кўрсатганда, ана шу суратли матн (демотиватор)лардан фойдалансин. Бу билан ҳам аждодларимиз мероси ва уларнинг ўлмас гоёларини ёшларга бир қадам яқинлаштирган бўламиз.

Суҳбатни
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Нодир МАХМУДОВ
ёзди.



Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фанлари бўйича (PhD)
фалсафа доктори:

— Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида Учинчи Ренессанс ҳақида атрофлича фикр юритиб, ушбу олижаноб гоёнинг амалга оширилишида устоз-мураббийлар ҳамда илм ва ижод аҳлининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бир нарсани алоҳида айтишни истардим: Учинчи Ренессанс гоёсини амалга ошириш ишлари юртимизда аллақачон бошлаб юборилган. Мазкур фикрни изоҳлашдан олдин айрим тарихий далилларга эътиборингизни қаратмоқчиман: машҳур шарқшунос Адам Мецнинг “Муслумон Ренессанси” китобида берилишича, ислом оламнинг олтин асри ҳисобланган IX-X асрлар (биринчи Ренессанс даври)да китобхонлик маданияти, бой кутубхоналар тузиш ишларига катта аҳамият берилган. Бағдод ва Хоразмдаги “Байт ул-хикма” (академия) ларда бой кутубхоналар ташкил этиб, дунёнинг турли тилларидан араб тилига таржима қилиш ва илм аҳли орасига

Рақамли технологиялар

“БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ” ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбия эканини алоҳида таъкидлади. Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритиб: “Хабарингиз бор, пойтахтимизда Мухаммад Хоразмий номида ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган янги мактаб очдик. Айни пайтда фарзандларимизнинг “ай-ти” технологияларга қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида жорий йилда — 14 та, келгуси йилда — 82 та, 2022 йилда — 64 та, 2023 йилда — 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади ва барча туман ва шаҳарлар қамраб олинади”, деди.



Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки бугунги тезкор ва глобаллашув даври юқори малакали дастурчи ва мутахассислар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришни тақозо қилмоқда. Бугунги кун ва келажғимизни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда соҳанинг етук кадрларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимизда 2020 йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши замирида ҳам катта маъно ва мақсад мужассам. Бу борадаги давлат дастурида жорий йилда бир қатор йирик вазифа ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 60 фоизи ёшлардан иборат. Уларни замонавий ахборот технологиялари, дастурий маҳсулот яратиш ва аутсорсинг хизматларини кўрсатишга кенг жалб қилиш орқали иш билан таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Айни пайтда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида uzbekcoders.uz ўқув порталида машғулотлар олиб бориляпти. Машғулотларда тўртта энг керакли мутахассислик — маълумотларни таҳлил қилиш, андроид иловалар, веб-иловалар ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича ўзбек тилида субтитр воситасида bepul видеокурслар тақдим этилади. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига ёшларни кенг жалб қилишни мақсад қилган. Шу боис, лойиҳа ижтимоий тармоқлар, “онлайн мактаб” теледарслари, радиода мунтазам тарғиб қилин-япти. Шунингдек, ZIYONET таълим портали, UZMOBILE алоқа оператори ва UZONLINE интернет провайдерининг bepul хизматлари таркибига киритилган. Рақамли технологиялар ўқув марказларида ёшларга ушбу лойиҳа доирасида дастурлаш кўникмалари ўргатилляпти. — Шу йилнинг май ойида Вазирлар Маҳка-миси Раёсатида uzbekcoders.uz портали орқа-ли 2020-2021 ўқув йили учун олий ўқув юр-тла-ри талабалари ҳамда умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларини ахборот техноло-гиялари соҳасида ўқитишни ташкил этишининг

асосий кўрсаткичлари тасдиқланди, — деди Дастурий маҳсулотлар ва ахборот техноло-гия-лари технологик парки дирекцияси директори Фарҳод Ибрагимов. — Унга мувофиқ, 2,1 минг-дан ортиқ умумтаълим мактабининг 47 минг нафардан зиёд юқори синф ўқувчиси, 44 та олий таълим муассасасининг 54 минг нафар-дан ортиқ талабаси uzbekcoders.uz портали орқали ўқитилиши режалаштирилган. 2020-2021 ўқув йилида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида информатика фанига “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида назарда тутилган дастурлаш йўналишларини алоҳида мавзу сифатида киритиш бўйича ишлар олиб бори-лмоқда. — Жорий йил якунига қадар 100 минг, 2021 йилнинг биринчи ярмида 150 минг ўқувчи ва талабанинг дастурий таъминот бўйича малака-сини ошириш вазифаси белгиланди, — дейди Фарҳод Ибрагимов. — 5-синфдан бошлаб ўқи-тилаётган “Информатика” фанини замонавий технологиялардан келиб чиқиб такомиллашти-риш, ушбу фанга “Бир миллион дастурчи” лой-иҳасига доир йўналишларни киритиш кўзда тутилляпти. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, “элект-рон ҳукумат” йўналишларига талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт

ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга келиб, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 2 баравар, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар оши-риш ҳамда уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш назарда тутилган. 2020-2022 йилларда электрон ҳукумат, те-лекоммуникациялар, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фао-лиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, қишлоқ ва сув ҳўжа-лигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича 268 та лойиҳа амалга оширилди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг дав-лат органлари билан онлайн алоқа шакллари-ни янада ривожлантириш мақсадида Ягона инте-рактив давлат хизматлари портали ишлаб чиқил-ди. Бугунги кунда ушбу портал воситасида 208 та электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда. Электрон ўқитиш дастури доирасида ўқиб, дилполм олган дастурчиларни давлат ва ҳўжалик муассасаларига IT мутахассис сифатида ишга олиш гагдаги муҳим вазифадир. Чунки улар ташиқлотлар фаолиятини аънавий электрон форматдан рақамли кўринишга ўтказишга маъ-сул мутахассислардир. IT инфратузилмасини яш-ушлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш — давр талаби. Ахборот технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш вазирлиги барча ҳудудда рақамли технологиялар бўйича ками-да 100 та ўқув маркази очилиши режалаштир-моқда. Бу марказларда дастурлаш асослари, электрон савдо ва графикли дизайн каби йўна-лишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади. Бугунги кунда соҳа мутахассисларига ша-роит яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йили пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида Дастурий маҳсулот-лар ва ахборот технологиялари парки бунёд этилди. Андижон ва Маргилон шаҳарларида IT паркинг филиаллари ташкил қилинди. Пой-тахтимиздаги Мухаммад ал-Хоразмий номида-ги ахборот технологиялари мактаби ҳудудида IT паркинг яна бир филиалига бино қурилмоқ-да. Жорий йил якунига қадар Гулистон, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиз-зах шаҳарларида ҳам ана шундай филиаллар ташкил этилади.

Эътироф



Дунё узра таралган мағрур садо



Лукмон БҮРИХОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

Дунёда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларни кўриб-кузатиб баъзан ўйланиб қоламиз: ўз чегараси, ўз давлат рамзларига эга бўлишнинг ўзигина чинакам мустақилликка кифоя қилармикан? Жаҳон харитасида номи қайд этилган кўпгина мамлакатларнинг ҳол-аҳволига боқиб эса кескин бош чайқаймиз: йўқ, асло. Бундай муқаддас мақомга эришиш учун дунё жамоатчилиги олдида ўз сўзинг, ўз фикринг ҳам бўлиши шарт. Уни ўз она тилингда, ўз давлатинг тилида ифодалай олишинг ҳам зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўқирканман, юқорида баён этилган ўй-лар хаёлимдан ўтди. Барчамиз кузатганимиз-дек, нутқ ўзбек тилида, буюк жаҳонгир аждод-ларимиз, боболаримизга хос мағрур оҳангда жаранглади. Назаримда, бу нутқ маъно-маз-мунини бошқа миллат вакиллари ҳам бирор-бир таржимонсиз, электрон қулоқчинларсиз англаб олди. Чунки давлатимиз раҳбари нафа-қат халқимизнинг, балки дунё ҳамжамятининг дилида, онг-шуурида кезиниб турган ўйларни, дард-изтиробларни, қувончу таъшишларни те-ран ифодалади. Чин ўзбекона маданият, муло-ҳазакорлик, юксак дид, савия билан ёрқин баён этди. Энг муҳими, энг аҳамиятлиси, бутун нутқ давомида янги Ўзбекистоннинг, янги даврнинг нафаси сезилиб турди. Улуғвор ўзгаришлар, ислохотлар ичидаги мамлакатнинг нафақат сўзини, балки юрак зарбини, кўнгил кечини-маларини ҳам бутун дунё аҳли сездди, англади. Президентимиз ўз қишидада қатор муаммо-ларни рўй-рост тилга олиб, уларнинг ечими борасида жиддий мулоҳазалар, тақлифлар берди. Бу тақлифлар чорлов, даъват оҳангида жаранглади, янги Ўзбекистоннинг қатъий, аниқ

Қарор ва ижро

Мактабгача таълим тизimini ривожлантириш концепцияси — амалда



Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси раиси

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим тизimini тубдан ўзгартириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этиляпти.

Мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олишни таъминлаш мақ-садида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизimini бошқа-рувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ Мактаб-гача таълим вазирлиги ташкил этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 14 мингдан ортиқ мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсат-моқда. Мактабгача таълим вазирлиги 2019 йил-да болалар қамровини 52 фоизга етказди. 2020 йилда бу кўрсаткич 59,5 фоиз бўлиши кутилмоқ-да. Шунингдек, 6 ёшли болаларнинг 85,2 фоизи-ни мажбурий бир йиллик таълимга жалб қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақириши, барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилишни тақлиф этиши фикримизнинг ёрқин далилидир.



тутумидан, танлаган йўлида собитқадам-лигдан дарақ берди, ўзбек халқи ўз манфаати, ўз доираси нуктаи назаридангина фикр юрит-маслигини, балки жаҳон халқларига хайрихо-лигини, қурраи замин дардига ҳамдардлигини кўрсатди. Жумладан, давлатимиз раҳбари БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги кон-венциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақириши, барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламент-лар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резо-люцияни қабул қилишни тақлиф этиши фикри-мизнинг ёрқин далилидир. Йиллар давомида кўрсатилган ҳарбий зў-равонлик афғон халқининг қулфати-га-қулфат қўшди, холос. Бу жафокаш заминда тинч-лик, барқарорлик ўрнатилишидан нафақат биз, балки бутун дунё аҳли манфаатдордир. Президентимиз ўз фаолиятининг илк палпа-сидаёқ бу глобал муаммога жиддий эътибор қаратганди. Афғонистондаги мухолиф томон-ларни юртимизга қорлаб, уларни бир даврага ўтказиб, очик мулоқот-мунозара ўтказишлари таъминлангани, жафокаш афғон халқига дои-мий равишда чинакам дўстлик қўли чўзилиб, унинг ривожланиши учун имкон қадар ҳисса қў-шиб келинаётгани фикримизнинг яққол тасди-қидир. Бу тақлифлар чорлов, даъват оҳангида жаранглади, янги Ўзбекистоннинг қатъий, аниқ

ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-му-ҳит билан таништиришга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари амалиётга татбиқ этилмаган, давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадр-ларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлгани учун болаларни мактабга талаб даража-сида тайёрлаш имкони мавжуд эмас эди. Президентимизнинг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концеп-циясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида бо-лаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишни таъминлаш, мактабгача таъ-лим хизматларини ривожлантириш, бир сўз бил-ан айтганда, тизimini ривожлантиришнинг мақ-сад ва вазифалари, ушбу жараёнинг устувор жиҳатлари ва босқичлари белгилаб берилди. Концепция тасдиқлангандан сўнг босқичма-босқич янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 14 мингдан ортиқ мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мактабгача таълим вазирлиги 2019 йилда болалар қамровини 52 фоизга етказди. 2020 йилда бу кўрсаткич 59,5 фоиз бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, 6 ёшли болаларнинг 85,2 фоизини мажбурий бир йиллик таълимга жалб қилиш режалаштирилган.



халқимизнинг бундай саховати, инсонпарвар-лиги дунё жамоатчилиги томонидан қизгин эътироф этилаётгани ҳақида мамнуният билан сўз юритишимиз мумкин. Давлатимиз раҳбари БМТда жарангдор ўзбек тилида халқаро ҳам-жамият эътиборини яна бир қарра афғон муам-мосига қаратаркан, барча каттаю кичик дав-латлари бу заминда тинчлик, барқарорлик ўрнатиш учун ҳамкорликка, ҳамнафасликка қорлади. “Фақат биргалиқда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидла-рини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада “Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боис, БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду таъшишини тинглайди-ган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита та-ш-кил этиш лозим. Ушбу қўмитанинг асосий вази-фаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қўмак беришдан иборат бўли-ши зарур”, дея таъкидлаб ўтди Президентимиз. Сир эмас, Орол денгизининг қуриши, бу ҳу-дуддаги қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақида ўттиз-қирқ йилдан бери бонг уриб кела-миз. Лекин шу пайтгача бу муаммоларни бартар-аф этиш юзасидан амалий тадбирларга деярли қўл урилмади. Шиорбозлик, баландпарвоз чақи-риқлардан нарига утилмади. Мана, сўнгги уч йил ичида бу шўрхок замин улкан ислохотлар ичида қолди. Денгиз суви қочган, қўмлоққа айланган минг-минг гектар ерга чўлбоп, шўрхокка мос усимлик қўчатлари қадалди, Мўйноқ ҳудудида қорхоналар ташкил этилди. Ҳукуматимиз томо-нидан Оролбўйини ўзлаштиришга халқаро ҳам-жамият эътибори тортилди. Натижада БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосида Траст фонди тузилди. Эндилиқда ушбу фонд оғир эко-логик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси сифатида хизмат қилса, нур усти-га нур бўларди. Шу боис, давлатимиз раҳбари Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюция-сини қабул қилиш тақлифини ўртага ташлади. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш халқаро кўп сифатида нишонлаш мақсадага му-вофиқ бўлишини алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблея-сининг 75-сессиясида ўзбек тилида, бунёдкор аждодларга хос оҳангда сўзлаган нутқи улкан маънавий-маърифий ҳодисадир. Ўзбек тили дунёнинг энг нуфузли минбарларидан бирида мағрур жаранглади. Бу янги Ўзбекистоннинг, янги даврнинг ўзига хос улкан ютуғидир. Зеро, мустақиллик, юқорида таъкидлаганганимиздек, дунёга ўз сўзини, ўз фикрини ўз тилида айта олган мамлакаттагина хосдир. Ўзбекистон шундай мамлакатлар сирасига кира олганидан беҳад фахрланамиз. Бугун баралла айта ола-мики, БМТ бос қароргоҳи қаршисида шунчаки байроғимиз эмас, бизнинг электр, бизнинг те-мир йўл Афғонистонга аллақачон етиб боргани,

Хусусан, 2019 йилда “Мактабгача таълим ва тар-бия тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда мактабгача таълим ва тарбия-нинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари, шунингдек, Вазирлар Маҳ-камаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги, тасарруфида мактабгача таълим муассасалари бўлган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳоким-ияти органларининг вазифалари белгиланган. Юқорида қайд этилган концепцияда 2030 йилгача 3-7 ёшдаги 80,8 фоиз болани мак-табгача таълимга қамраб олишни таъминлаш кўзда тутилган. Хусусан, 2020 йилда янги мак-табгача таълим муассасалари биноларини қу-риш, мавжудларини реконструкция қилиш, бир пайтлар боча бўлган биноларни қайта Мактаб-гача таълим вазирлиги ҳисобига ўтказиш, таъ-лимнинг муқобил шакллари жорий этиш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 18 та бино қуриб битказилиши, 129 та бўш иншоот фойдаланишга топширилиши ва 261 та давлат мактабгача таълим муассасаси-ни таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг натижа-сида қўшимча 32,7 мингта янги ўрин очилди. Мактабгача таълим тизимида хусусий сек-торни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2018-2019 йилларда Мактаб-гача таълим вазирлиги ўмумий қиймати 3,89 триллион сўмга тенг давлат-хусусий шериклик ҳақидаги шартномаларни имзолади. Унинг 1,1 триллион сўми тадбиркорлар томонидан аж-ратилган бўлса, 2,8 триллионни имтиёзли кре-дитлар ҳисобига тўғри келди. Фойдаланишга топширилиши қўтилаётган нодавлат мактабга-ча таълим муассасаларида 147,9 мингта ўрин бўлади. Жорий йилда яна 2 мингта оилавий, 420 та давлат-хусусий шериклик асосидаги муассасани очиб режалаштирилган. Мактабгача таълим муассасалари учун педа-гог ва бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тай-ёрлаш ва салоҳиятини ошириш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томон-лама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жис-моний ривожланиши учун шарт-шароит яра-тиш концепциянинг асосий йўналишларидан бири саналади. Мазкур тизимда инновация-лар, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларини босқич-ма-босқич компьютерлар билан таъминлаш, интернет тармоғига улаш ишлари амалга оши-рилмоқда. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бў-лимлари тизимда тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида таълим-тарбияда ахбо-рот-коммуникация технологияларидан фойда-ланишни янада такомиллаштириш мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этипти, тушунти-риш ишлари олиб борапти. Тадбирларда соҳа ҳодимларига “OPEN EMIS” тизимидаги хато ва камчиликларни тузатиш бўйича амалий кў-никмалар берилмоқда.



Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллигига

ШАРҚ РАФАЭЛИ

Юртимиздаги маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида жаҳон тамаддуни хазинасини ўзининг дурдона асарлари билан бойитган, дунё цивилизацияси тарихида муносиб ўрин эгаллаган тасвирий ва амалий санъат намояндаларининг номларини абадийлаштириш, ҳаёти ва ижодини ўрганиш, маънавий мероси аҳамиятини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида соҳада олиб борилаётган ислохотлар бунинг амалий мисолидир. Қарорга мувофиқ, жорий йилда миллий миниатюра санъати дарғаси — мусаввир Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланиши қўзда тутилган.

Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи директори Гулбаза Қаршиева билан бўлган суҳбатда буюк мусаввирнинг ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, миллий миниатюра санъати анъаналарини давом эттириш, мазкур қарор асосида белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳақида сўз борди.

— Давлатимиз раҳбарининг қарори тасвирий ва амалий санъат тароққиётида янги бир даврни бошлаб берди, шундай эмасми?

— Албатта. Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш ва бу борада муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Президентимиз қарори асосида Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи ва хийбонини замонавий қиёфада қайта ташкил этиш, унинг ҳудудидаги мусаввир хайкалининг бронзадан яшаш, Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, анъанавий тарзда “Камолитдин Бехзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловини ўтказиш, “Ўзбекистон замонавий миниатюраси” каталогодини нашр этиш сингари 10 га яқин лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу мусаввир ижод йўлини ўрганишда жуда катта қадамдир.

— Музейнинг асосий фаолияти ва вазифалари нималардан иборат?

— Музейнинг асосий фаолияти Камолитдин Бехзод ижодий меросини ва Шарқ миниатюраси, хаттотлик, наққошлик ва китобат мактаблари тарихини ўрганиш, уларнинг энг яхши нусхаларини йиғиш, тарғиб қилиш ҳамда музей фондидаги ишлар билан таништириш, турли миниатюра мактаблари вакиллари ва мусаввир ижодини ўрганувчи хориқдаги музей, кутубхона, галереялар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Ҳозир музей фондида мингдан ортиқ ноёб экспонат жамланган. Бу экспонатлар Бехзод ва унинг шогирдлари ижоди, юртимиз ҳудудида фаолият кўрсатган миниатюра мактабларида яратилган асарларнинг асл ва фотонусхалари ҳамда Ўзбекистоннинг ёзув маданияти, китобат санъати тарихи, замонавий миниатюраларчи рассомлар ҳамда етук хаттотларнинг ижод намуналаридан иборат. Бадий академия томонидан тасдиқлаган режа асосида бадий тасвирий, халқ амалий санъати асарлари кўргазмалари, маданий-маърифий

тадбирлар, илмий-тадқиқотлар, конференция ҳамда аукционлар ўтказилади. Юртимиз ва хорижда маданият, санъат соҳасида халқаро маданий алоқаларни амалга оширади, тасвирий, амалий ва халқ санъатининг мероси ҳамда замонавий маданий бойликларини тарғиб этади. Шу билан бирга, 2017-2020 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон миниатюра санъати: генезиси, эволюцион жараён, истиқбол ва тараққиёти” фундаментал давлат грант лойиҳаси бўйича ҳам илмий-тадқиқотлар олиб боришмоқда.

— Музей фондининг бойитилиш жараёнлари, мавжуд экспонатлар, қадимий қўлёзмалар ва уларнинг сақланиш ҳолатига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Музей фондида XIV-XVII асрларда яратилган, Камолитдин Бехзод ва унинг шогирдлари мўйқаламига мансуб миниатюра асарлари нусхалари, XVII аср охири XVIII аср бошларига оид “Макка тасвири” миниатюраси, Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Табриз ва Исфаҳон каби машҳур мактаблар услубида яратилган миллий ва лақли миниатюра намуналари, амалий санъат асарлари билан бирга, фаннинг турли соҳаларига оид қадимий ва ноёб қўлёзма асарлар сақланади. Уста хаттотлар томонидан қуфий, сулс, насх, настаълиқ каби ёзув хатларига қўйрилган ва моҳир наққошлар шамслар, зарварақлар ва гузал нақшлар билан безаган қўлёзма ва тошбосма асарлар орасида ноёб намуналар мавжуд. Улар XII, XIV-XIX асрлар китобат тарихини ўрганиш ҳамда илм-фан тараққиётида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Имом Ғаззолийнинг “Кимёи саодат”, “Ихё улум ад-дин” асарлари, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоа”, “Сияри шариф” асарининг XVII асрдаги нодир қўлёзмаси, Хожа Убайдуллоҳ

— Камолитдин Бехзод ва издошларининг хорижий музей ҳамда кутубхоналарда сақланаётган асарларининг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга қайтариш масаласи бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Камолитдин Бехзод ва шогирдларининг асарлари юртимизда мавжуд эмас. Уларнинг



XIV асрга мансуб “Тарихи Қабоил ал-араб” (араб қабилалари тарихи) қўлёзмаси Самарқанд қоғозида ёзилган бўлиб, чизма шакллари мундарижа тарзида келтирилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Музей экспозициясида Камолитдин Бехзоднинг шогирди Қосим Али Чехрақушойга ёзган мактубининг нусхаси ҳам мавжуд. Музейга юрдошларимиз томонидан совға тарзида ҳам экспонатлар топширилади.

мероси АҚШ, Франция, Миср, Эрон, Россия, Германия музейларида сақланмоқда. Шу нуқтаи назардан, бу вазифанинг амалга ошиши маданиятимиз учун катта воқелик бўлиши билан бирга, ёшларимиз учун бебаҳо ижодий манба сифатида ҳам хизмат қилади. Камолитдин Бехзод ва шогирдларининг хорижда сақланаётган асарларининг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга қайтариш бўйича 2020-2022 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” тасдиқланди ва унинг ижросига масъул ишчи гуруҳ аъзолари белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан иш олиб бормоқда. Бу мусаввир асарларини бир музей фондида тўплаш йўлидаги катта қадамдир.

Камолитдин Бехзодда Султон Ҳусайн саройи ҳамда Алишер Навоий кутубхонасидаги Амир Темур, Мирзо Улуғбек саройида яратилган қўлёзмалари, Самарқанд миниатюра мактаби намуналарини кўриш ва нусха кўчириш имконияти юқори бўлган. Бундан ташқари, рассомнинг устозлари Мирак Наққош ҳамда Пир Сайид Табризий Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда ижод этган асли бухоролик мусаввир устод Жаҳонгирнинг шогирдлари эдилар. Бу ўз-ўзидан Бехзоднинг шаклланишида XIV аср охири XV аср бошларидаги Самарқанд миниатюралари муҳим ўрин тутганини англатади.

Шарқ халқларининг муштарак ифтихори, беназир рассом Бехзод ўзидан кейинги авлодга ранг-баранг миниатюраларнинг энг гузал ва мукамал намуналарини мерос қолдирган. Истеъдодли шогирдлари Қосим Али Чехрақушой, Махмуд Музахиб, Мулло Дарвеш, Дўсти Дево-на, Ока Мирак, Муҳаммадмурод Самарқандий сингари мусаввирлар Бехзод миниатюра мактабидан бевосита сабоқ олиб, унинг илғор анъаналарини муваффақият билан Табриз, Бухоро, Усмонли Турк ва Ҳиндистонда давом эттирди. XX аср бошларида Бехзод ижоди Ғарб тасвирий санъатига катта таъсир кўрсатади. Импрессионистлар Питер Паул Рубенс, Анри Матисс ва бошқалар ижодида Бехзод миниатюра мактаби таъсирини кўриш мумкин. Европа Уйғониш даврининг буюк ижодкорларидан XX асрнинг йирик рассомлариғача, жумладан, Густав Климт, Каземир Малевич, Василий Кандинский кабилар урта аср Шарқ миниатюра санъати анъаналаридан илҳомланганлар. Шу жиҳатдан Камолитдин Бехзод Шарқ ва Ғарб ижодкорлария олимлари эътиборида бўлган.

Бир неча миниатюра мактаблари мавжуд бўлиб, Камолитдин Бехзод услуби уларнинг ривожига катта таъсир кўрсатган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ҳолда, бири бири билан қоришиқ, уйғун тарзда ривожланиб боргани сабаб, баъзи миниатюраларда бир неча мактаб анъаналарини учратиш мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳам “йўл харитаси”да Самарқанд, Бухоро миниатюра мактаблари билан бирга, Ҳирот ва унинг таъсирида ривожланган бошқа мактаблар намуналарига ҳам эътибор қаратиш режалаштирилган.

— Туркиянинг санъат музейлари фаолиятини ўрганиш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида илмий-ижодий гуруҳ аъзолари билан сафарда бўлган экансиз. Сафар таассуротлари ва натижалари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Илмий жамоамиз аъзолари ва рассомларимиз билан Туркиянинг бир қатор музейларида сафарда бўлдик. Ундан қўзланган асосий мақсад Камолитдин Бехзод ва шогирдлари асарларини, Бухоро ва Самарқанд миниатюра мактаблари намуналарини ўрганиш, тўплашдан иборат эди. Тўққоли саройи музейи, Турк ва Ислом санъати музейлари уртасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз самараси ўлароқ, 18 та нодир қўлёзмага ишланган Шарқ китобат санъати дурдоналарининг 150 дан ортиқ нусхаси Туркия маданият ва туризм вазирлиги томонидан музейимиз фондига совға қилинди.

Ушбу музейлар қўлёзмалар фондининг катта қисмини темурийлар, айниқса, Шоҳруҳ Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ҳамда шайбонийлар даврида Ҳирот, Самарқанд ва Бухорода яратилган ноёб қўлёзмалар ташкил этади. Қўлёзмаларнинг аксарияти, бадий безакли қўлёзмалар сарой кутубхоналарида китобат санъатининг энг машҳур усталари томонидан тайёрлангани сабабли, жуда гузал ва нафис бўлиб, баъзиларининг муқовалари асл ҳолатида сақланган. Темурийлар даври Мовароуннахр ва қўшни давлатлар тарихида (XV аср) ислом маданияти ва санъатининг юксак даражада ривожланган даври бўлди. Бу даврда форс ва туркий тилларда бадий адабиётнинг юксак намуналари яратилди. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги йиллари энг гуллаган давр бўлиб, Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоийнинг дурдона асарлари айнан шу даврда яратилди. Жомий ва Алишер Навоий асарларининг Усмонли Туркияда жуда машҳур бўлганини айнан Тўққоли саройи музейи кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарда сақланаётган қўллаб қўлёзмалардан ҳам билиш мумкин.

2018 йилнинг сентябрь ойида Тўққоли саройи музейи кутубхонаси, Турк ва Ислом асарлари музейи фондларида сақланаётган китобат санъати ноёб намуналарининг факсимели асосида тайёрланган кўргазмада ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари эътиборига ҳа-вола этганмиз. Кўргазмада Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари, Алишер Навоий портрети, Низомий Ганжавий “Ҳамса”си, Абдураҳмон Жомий асарлари, Хумой Хумоюн асари, Ҳофиз Абдулқулиев, “Зафарнома”, “Темурнома”, Саъдий Шерозий дostonлари ва бошқа нодир қўлёзмаларга ишланган китобат санъатининг ноёб дурдоналари, миниатюралар, шамс, зарварақ, унвон ва жилдларнинг гузал намуналари ҳам намойиш этилди.

Қувонарлиси, бу асарлар орасида Камолитдин Бехзоднинг шогирди Махмуд Музахиб, Абдулло каби Бухоро миниатюра мактабининг етакчи вакилларининг асарлари мавжуд бўлиб, санъат ихлосмандлари илк бора уларнинг рангли кўринишини баҳраманд бўлди. Туркиялик ҳамкорларимиз билан бу лойиҳани давом эттириш истагида эдик, улардан таклифлар ҳам келди. Лекин масаланинг молиявий жиҳатлари сабаб давом эттирилмади...

— Соҳада халқаро ҳамкорлик алоқалари қай даражада йўлга қўйилган?

— 2018 йилда Қозоғистон миллий музейи билан меморандум, Туркиянинг Тўққоли саройи музейи ҳамда Турк ва Ислом санъати музейлари билан илмий, ижодий ҳамкорлик тўғрисида битим, шу билан бирга, Япониянинг Аичи санъат университети билан 2019 йилда қадимий қозғоз ва миниатюра санъати ҳамда “The research for the culture of contemporary hand-made paper and artistic expression” (“Қўлда тайёрланадиган замонавий қозғонинг маданий ва бадий аҳамияти тадқиқи”) номли илмий-амалий лойиҳа бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Натжижада ўтган йил 14-20 ноябрь кунлари Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган халқаро семинарда “Камолитдин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати” мавзусида маъруза билан иштирок этдим.

— Айни пайтда пойтахтимизда Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида халқаро симпозиум ўтказишга қизгин ҳозирлик кўриляётган экан. Шу ҳақда ҳам қисқача маълумот бериб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, 14-16 октябрь кунлари пойтахтимизда буюк мусаввир таваллудига бағишланган халқаро симпозиум ўтказиш режалаштирилган. Тадбирлар доирасида “Камолитдин Бехзод ва унинг даври” бадий кўргазмасининг очилиши, халқаро конференция ва ёш ижодкорлар уртасида “Камолитдин Бехзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловининг республика босқичини ўтказиш ҳам мўлжалланган. Мазкур симпозиумда хорижий давлатларнинг 20 дан ортиқ вакили ва халқаро ташкилотлардан бир канча мутахассислар иштирок этиш истагини билдирди. Шунингдек, кўргазмага тақдим этилган ижодий асарларни визуал тарзда намойиш этамиз. Конференция эса онлайн тарзда ўтказилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Гуличеҳра ДУРДИЕВА суҳбатлашди.